

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФТИЗИАТРИЯ ВА
ПУЛЬМОНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АБДУГАНИЕВА ЭЛЬНОРА АБРАЛОВНА

**СУРУНҚАЛИ ОБСТРУКТИВ ЎПКА КАСАЛЛИГИ БИЛАН ОҒРИГАН
БЕМОРЛАРДА ГЕМОСТАЗИОЛОГИК БУЗИЛИШЛАРНИ
АНИҚЛАШ, ПРОФИЛАКТИКА ВА ДАВОЛАШ ЧОРА-
ТАДБИРЛАРИНИ ОПТИМИЗАЦИЯЛАШТИРИШ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Абдуганиева Эльнара Абраловна

Сурункали обструктив ўпка касаллиги билан оғриган беморларда гемостазиологик бузилишларни аниқлаш, профилактика ва даволаш чора-тадбирларини оптимизациялаштириш..... 3

Абдуганиева Эльнара Абраловна

Гемостазиологические нарушения у пациентов с хронической обструктивной болезнью легких и оптимизация мер профилактики и лечения..... 21

Abduganieva Elnora Abralovna

Hemostasiological disorders in patients with chronic obstructive pulmonary disease and optimization of prevention and treatment..... 41

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных научных работ
List of published scientific works..... 45

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФТИЗИАТРИЯ ВА
ПУЛЬМОНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АБДУГАНИЕВА ЭЛЬНОРА АБРАЛОВНА

**СУРУНҚАЛИ ОБСТРУКТИВ ЎПКА КАСАЛЛИГИ БИЛАН ОҒРИГАН
БЕМОРЛАРДА ГЕМОСТАЗИОЛОГИК БУЗИЛИШЛАРНИ
АНИҚЛАШ, ПРОФИЛАКТИКА ВА ДАВОЛАШ ЧОРА-
ТАДБИРЛАРИНИ ОПТИМИЗАЦИЯЛАШТИРИШ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Tib744 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ливерко Ирина Владимировна тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Махмудова Азиза Джумановна тиббиёт фанлари доктори Қаюмов Улуғбек Каримович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	ҚР ССВ Фтизиопульмонология миллий илмий маркази (Қозоғистон Республикаси)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25.)

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ да тарқатилди.

(2020 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси)

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Сурункали обструктив ўпка касаллиги (СОЎК) жамиятнинг асосий касалланиш ва ўлим сабабларидан бири ҳисобланади ва соғлиқни сақлаш тизими учун нафақат тиббий, балки ижтимоий-иқтисодий муаммо ҳам ҳисобланади. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг (ЖССТ)нинг маълумотларида «...ҳозирги вақтда ер куррасида 210 миллион инсон СОЎК дан азият чекмоқда, дунё миқёсида у асосий ўлим сабаблари орасида 4-ўринни, аммо 2030 йилга келиб 3-ўринни эгаллаши...»¹ қайд этилган. Хавф омиллари ва фенотипик сабабларнинг умумийлиги СОЎКнинг юқори даражада гиперкоагуляция ёки тромбоз натижаси бўлган ЮИК, ишемик инсульт ҳамда веноз тромбоэмболия билан ёндош хасталик кўринишида келишини белгилайди. Бу ўз навбатида гемостазиологик бузилишлар билан боғлиқ ҳолатлар СОЎК билан оғриган беморлар ўлимининг асосий сабаби эканлигини тасдиқлайди. СОЎК билан оғриган беморлар орасида протромботик ва тромботик ҳолатларнинг кенг тарқалганлиги уларнинг шифохонага ётиш сонини ва давомийлигини оширади, иқтисодий харажатлар ва ўлим даражасини кўпайтиради.

Жаҳон миқёсида СОЎКда гемостазиологик бузилишлар ривожланиш сабабларини аниқлашга бир қатор тадқиқотлар бағишланган. СОЎК кечиши ва ўлим даражасига таъсир қилувчи гемостазиологик бузилишлар шаклланишида унинг оғир хасталиклар билан ёндош келиши муҳим ўрин тутмоқда ва бу СОЎК билан оғриган беморлар орасида юрак қон-томир (ЮҚТ) ҳодисаларининг 2-3 маротаба кўп бўлишига ва тахминан ўлим сабабларининг 50%ни ташкил қилишига ҳамда асосан хасталикнинг оғир авж олиши даврида кузатилишига олиб келмоқда. ЮҚТ ҳодисалари СОЎК билан оғриган беморларнинг бирламчи ва қайта шифохонага ётишларнинг асосий сабабларидан ҳисобланади. СОЎКда гемостазиологик бузилишлар ўрни юқори бўлишига қарамадан, беморларнинг даволаш стандартлари гемостазиологик даволаш компонентига эга эмас. Бугунги кунга келиб СОЎКдаги гемостазиологик ҳолатлар кўпгина омиллар таъсири натижаси деган фикрлар илгари сурилмоқда.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан «...экологик омиллар таъсирида ривожланадиган нафас органлари, айниқса обструктив ўпка касалликларида респиратор патологиянинг касаллик ривожлангунга қадар эрта скринингловчи функционал ташҳислаш...»² каби вазифалар белгиланган. Бу борада пульмонология соҳасини изчил ривожлантириш, шу жумладан мамлакатимизда ўлимга олиб келувчи юқумли бўлмаган касалликлар гуруҳининг етакчи учтасидан бири бўлган СОЎКда асоратлар ривожланиш хавфини эрта ташҳислаш, самарали даволаш чораларини ишлаб

¹ GOLD (Global Initiative for Chronic Obstructive Lung Disease) [Internet]. Global strategy for the diagnosis, management, and prevention of COPD. 2017 [cited 2018 May 29]. Available from: <http://goldcopd.org/download/326/>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 февралдаги 4191-сонли «Ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология ёрдами кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони.

чиқиш ва бунинг натижасида ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш муҳим аҳамиятга эга. СОЎК билан оғриган беморларда тромботик салбий оқибатлар учрашини кўпайтирувчи детеминанталарни ўрганишга ва янги профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар тиббиётнинг истиқболли йўналиши бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 13 февралдаги «Ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология ёрдами кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон «Ноинфекцион касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. СОЎК шаклланиши ва ривожланишининг патогенетик механизмлари, ташхислаш хусусиятлари, даволаш ва реабилитация ёндашувларини оптималлаштиришга кенг қатор тадқиқотлар бағишланган (Белевский А.С. и соав., 2018; Wedzicha J.A. et al., 2013; Rossi A. et al., 2014; Bruselle G. et al., 2015; McCarthy B. et al., 2015; Miravittles M. et al., 2016; Vas Fragoso C.A. et al., 2016; Malas M. et al., 2016) ҳамда уларнинг натижалари СОЎК бўйича глобал ташаббус ҳужжатларига умумлаштирилган (Баранова Е.Н., 2017; GOLD, 2017). Касалликнинг кечишига салбий таъсир қилувчи СОЎКнинг мультиморбидлик ҳолатини (2 тадан ортиқ касалликнинг ёндош келиши) ўрганишга бир қатор тадқиқотлар йўналтирилган (Jaramillo J.D. et al., 2015; de Torres J.P. et al., 2015; Masa J.F. et al., 2016; Bhatt S.P. et al., 2016; Houben-Wilke S. et al., 2017). Кам сонли тадқиқотлар СОЎК билан оғриган беморларда претромботик ва тромботик бузилишлар сабабини ўрганишга, қоннинг томир ичи микроивиш ҳолати ва тромбофилиялар ўрнини баҳолашга (Шелест Е.А. с соавт., 2014); СОЎКнинг авж олиш даврида тромбоген хавф омилларини ўрганишга (Привалова Е.В., 2010; Чучалин А.Г., Цеймах И.Я. и соавт., 2015); СОЎК билан оғриган беморларда қоннинг микро ва макрореологик хусусиятларини баҳолашга (Егорова М.М., Овчинникова О.А. с соавт., 2011); СОЎК ва ЮИК бўлган беморларда гемореологик профилъни аниқлашга (Егорова М.М. с соавт., 2012) бағишланган ва улар СОЎК билан оғриган беморларда гиперкоагуляция

ҳолати мавжудлиги ҳақида далолат беради.

Бир нечта ҳорижий тадқиқотлар СОЎК билан оғриган беморларда ЮҚТ хасталиклари хавфи юқорилигини тасдиқлайди ва бунинг сабаби деб гиперкоагуляцион ҳолат негизида миокарднинг субклиник зарарланиши, нафас йўллари инфекцияси ва яллиғланиш келтирилган (Patel A.R.C., Donaldson G.C. at al.,2012; Patel A.R.C., Kowlessar B.S. at al.,2012), шунингдек тромботик ҳолатлар ривожланишида тизимли яллиғланиш ўрни кўрсатилган (Polosa R., 2013).

Ўзбекистонда СОЎК муаммоси бўйича ўтказилган тадқиқотлар: касаллик ривожланиш хавф омиллари ва ташҳисоти (Рустамова М.Т., 1992; Ибрагимова Н.М., 2004); ривожланиш ва нохуш оқибат предикторларини баҳолаш (Убайдуллаева К.М., 2010; Ливерко И.В. с соавт., 2011; Убайдуллаева Н.Н., 2018); СОЎКда мультиморбидлик ва экстрапульмонал бузилишлар (Муминов К.П., 2019) каби йўналишларда олиб борилган. Юртимизда СОЎКда гемостазиологик бузилишларни ўрганишга бағишланган тадқиқотлар: СОЎК фаоллик даражаси ва АДФ индуцирланган тромбоцитлар агрегацияси орасидаги корреляцион боғлиқликни (Садыкова Г.А.,2018); СОЎКнинг эрта босқичларида гемостазнинг ҳужайравий ва плазматик бўғинининг ҳолатини (Муминов К.П., 2016); СОЎК оғирлик даражасига кўра тромбоцитларнинг адгезияси ва агрегациясини аниқлаш орқали сифат хусусиятларини ўрганишга бағишланган.

Биз томондан ўрганилган адабиётларда, СОЎК билан оғриган беморларда коагуляция, антикоагуляция, фибринолиз, эндотелий дисфункцияси ҳамда тизимли яллиғланиш кўрсаткичларини ягона узвий боғлиқ «каскад» кўринишида ўрганган ва гиперкоагуляцион ҳолатлар сабаби бўла оладиган асосий омилларни, ҳамда уларни СОЎК билан оғриган беморларнинг асосий ўлим сабаби бўлиб келувчи, гиперкоагуляцион ҳолатларни олдиндан прогнозлашдаги «массавий» улушини кўрсатувчи тадқиқотлар қайд этилмаган. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, СОЎК билан оғриган беморларда гемостазиологик бузилишлар профилактикаси, ташҳисоти ва даволашни оптимизациялаштириш замонавий пульмонологиянинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази режасига мувофиқ, давлат буюртмаси мақомига эга бўлган ПЗ – 201709279 «Гемостазнинг фенотипик ва генотипик детерминантларини аниқлаш асосида, сурункали обструктив ўпка касаллиги билан оғриган беморларда тромбоген бузилишларни олдини олишга қаратилган, мослаштирилган терапия ёндашувларини ишлаб чиқиш» амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2018-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади СОЎК билан оғриган беморларда гемостазиологик бузилишларни даволаш ва профилактика чора-тадбирларини дифференцирлашган ёндашувларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Тромботик ҳодисалар туфайли вафот этганлар орасида клиник ташҳислар структурасини таҳлил қилиш;

СОЎКда гемостатик мувозанатни таъминловчи коагуляция, антикоагуляция тизими ва фибринолитик фаоллик омиллар нисбатини ўрганиш ва уларнинг тизимли боғлиқликларини аниқлаш;

СОЎКда тизимли яллиғланиш омилларининг коагуляция, антикоагуляция тизими ва фибринолитик фаоллик билан боғлиқлигини баҳолаш;

СОЎКда претромботик асоратларнинг ривожланиш хавфида индивидуал-типологик мезонларни аниқлаш ва тромботик бузилишларнинг эрта ташхислаш алгоритмини ишлаб чиқиш;

тромботик бузилишлар ривожланиш стратификацион хавфини ҳисобган олган ҳолда СОЎК билан оғриган беморларнинг олиб бориш тамойилларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказининг пульмонология бўлимида СОЎК ташҳиси билан даволанган 123 нафар беморлар, ҳамда Тошкент шаҳрида кардиолог рўйхатида турган 162 амбулатор бемор ва 20 нафар соғлом киши, шунингдек 2013-2014 йилларда Тошкент шаҳрининг 1 – клиник шифохонаси қошидаги шаҳар патологоанатомик марказида ўтказилган 281 аутопсия харитаси маълумотлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида вена қони ва зардоби, антропомерия ва кардиореспиратор тизим функционал кўрсаткичлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, биокимёвий, коагулометрик, асбобий, статистик усуллардан ва тасдиқланган сўровномалардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

СОЎК тизимли яллиғланиш билан кечувчи касаллик сифатида чуқур «гемостазиологик стресс» ҳолати билан кечиши ва бу фенотипик хусусиятлар ҳамда коагуляция, антикоагуляция ва фибринолитик фаоллик орасидаги тўғри ва тесқари боғланишларда ифодаланганлиги асосланган;

СОЎКда касаллик фенотипик детерминанталар билан гемостазиологик мувозанат орасидаги узвий мутаносиблик аниқланган ва гемостазиологик бузилишларни ташхислашда скрининг кўрсаткичларини кам ахборотлилиги исботланган;

СОЎКда претромботик ҳолатлар ривожланиш хавфини прогнозлаш мезонлари ва хавф даражасидан келиб чиққан ҳолда беморни олиб бориш тамойиллари ишлаб чиқилган;

СОЎКда гиперкоагуляцион ҳолатлар ривожланиш хавфини белгиловчи мультиморбидлик ҳолати мавжудлиги, бу касалликнинг авж олиш даврида «ҳамроҳ» профилактик антикоагуляцион даволашни ва авж олишдан кейинги даврда «превентив» антиагрегант даволашни қўлланиши зарурулиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

СОЎК билан оғриган беморларда гемостазиологик бузилишларнинг юқори ривожланиш хавф фенотипик предикторларининг «массавий» аҳамияти ишлаб чиқилган ва бу «Гемостаз бузилишлари хавфини ҳисоблаш калькулятори» кўринишида тақдим қилинган, шунингдек мажбурий

гемостазиологик бузилишлар ташхисоти ва мониторингини назарда тутувчи алгоритми тавсия этилган;

СОЎКда гемостазиологик мувозанатнинг гиперкоагуляция томонига силжишининг юқори хавф, клиник ва биологик маркерлари ишлаб чиқилган ва беморлар учун «хамрох» ва «превентив» даволаш режимларида беморга йўналтирилган антиагрегант даво тайинланишининг дифференцирлашган ёндашувлари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги амалга оширилган тадқиқот ишида қўлланилган барча ёндашувлар, усулларнинг кенг ахборот бериш имкониятига эга эканлиги, назарий ва амалий жиҳатдан аниқлиги, тадқиқот объектларининг етарлилиги, замонавий ташхислаш усулларнинг қўлланганлиги, ўзаро бир бирини тўлдирувчи клиник, биокимёвий ва инструментал ҳамда статистик усулларига таянганлиги, шу билан бирга, тадқиқот давомида олинган натижаларнинг маҳаллий ва хорижий илмий изланишлар билан солиштирилганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти СОЎК билан оғриган беморларда чуқур «гемостазиологик стресс» ҳолатига сабаб бўлувчи коагуляция, антикоагуляция ва фибринолиз тизимларининг ўзаро таъсир механизмларининг аниқлаштирилиши, ҳамда бунинг асосида СОЎК билан оғриган беморларда юқори тромбоген хавф мавжудлиги ва антиагрегант даво заруриятини исботлашга имконият яратилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти натижаларнинг амалиётга татбиқ қилишда хавфни ҳисоблаш калькулятори ва СОЎК билан оғриган беморларда тромботик асоратлар ривожланиш стратификацион хавфидан келиб чиққан ҳолда, ўз ичига «хамрох» ва «превентив» режимларда антикоагуляцион даволаш компонентини қамраб олган олиб бориш тактикасини танлаш алгоритми тақдим қилиниши ва бу 70% иқтисодий самара бериши мазкур илмий изланишнинг амалий жиҳатдан муҳимлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. СОЎК билан оғриган беморларда гемостазни баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Сурункали обструктив ўпка касаллиги билан оғриган беморларда фенотипик предикторлар ва биомаркерларнинг миқдорий баҳолаш ва хавф гуруҳлари шакллантириш усули ёрдамида гиперкоагуляцион бузилишлар профилактикасида дифференцирлашган ёндошув» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йилдаги 6 декабрь 8н-д/304 – сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома СОЎК билан оғриган беморлар орасида гиперкоагуляцион бузилишлар ривожланиш хавф гуруҳларини объективлаштиришга, мутахассисларни бу муаммога диққатини жалб қилиш ва тромботик ҳодисаларнинг фаол профилактикаси доирасида ҳатти-характларини асослаб беришга имкон берган;

«Сурункали обструктив ўпка касаллиги билан оғриган беморларда гиперкоагуляцион бузилишларни дифференцирлашган даволаш усули» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йилдаги 6 декабрь 8н-д/304 - сон маълумотномаси). Мазкур услубий

тавсиянома СОЎКда гемостазнинг гиперкоагуляцион бузилиш хавфини прогнозлаш асосида антикоагуляцион даволашни дифференцирлашган ҳолда тайинлашга имкон беради, бу эса касалликнинг авж олишида гемостазиологик мувозанат индексининг меъёрлашишига, ҳамда авж олишдан кейинги даврда тромботик ҳодисаларнинг олдини олинишига имкон берган.

СОЎК билан оғриган беморларда гиперкоагуляцион бузилишларни профилактикаси, ташҳисоти ва даволаш ёндашувларини оптимизациялаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан Тошкент шаҳар 3 – клиник шифохонаси ва Самарканд шаҳар тиббиёт бирлашмасининг пульмонология ва аллергология бўлими клиник амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йилдаги 11 декабрь 8 н-з/222 - сон маълумотномаси). Амалиётга тадбиқ этилган натижалар тиббий самарадорлик кўрсаткичини 1 га, ўртача иқтисодий самарадорлик 70%га тенглашиши ва тромботик ҳодисалар учраш частотасини 4 баробар камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 14 та илмий анжуманда, жумладан 7 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва бугунги кун талабларига мослиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сурункали обструктив ўпка касаллигининг тиббий-ижтимоий аҳамияти, гемостазиологик бузилишлар ривожланиш омиллари ва хавфи, профилактика ва даволаш чора тадбирларини оптимизациялаш**» деб номланган биринчи бобида СОЎКда гемостазиологик бузилишлар ва мультиморбидлик ҳолати мавзусида миллий ва чет эл илмий тадқиқотларининг батафсил таҳлили ўтказилган. Гемостаз асосий бўғимларининг бузилишларига ва уларнинг СОЎК билан оғриган беморларда

ривожланишига бағишланган изланишлар ва уларнинг назарий тамойиллари таҳлил қилинган ва тизимлаштирилган.

Диссертациянинг «**Сурункали обструктив ўпка касаллиги билан оғриган беморларда гемостазиологик бузилишларни аниқлашни тадқиқ қилиш усуллари ва клиник материаллар**» деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг умумий тавсифи келтирилган, тадқиқот методлари баён этилган. СОЎК ташҳиси GOLD (2017) тавсияларига монанд қўйилган. Мультиморбидлик частотасини аниқлаш мақсадида, СОЎКни ошкор қилишга қаратилган скрининг анкеталар ва ЮИКни аниқлашга мўлжалланган Халфена-Роузе сўровномаси қўлланилган. Ретроспектив таҳлил объекти сифатида 281 аутопсия протоколлари хулосалари ишлатилган. Тадқиқотга 123 СОЎК билан оғриган, шу жумладан касалликнинг оғир (38,2%) ва ўта оғир (61,8%) босқичида бўлган, Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказининг пульмонология бўлимида 2016-2019 йиллар давомида даволанган беморлар киритилган. Беморларнинг ўртача ёши $64,1 \pm 18,7$ йил ва касаллик давомийлиги $18,5 \pm 2,5$ йил бўлган. Назорат гуруҳини ёш буйича асосий гуруҳ билан таққосий, 20 соғлом киши ташкил қилган. Олдинга қўйилган вазифалар, беморларнинг комплекс текшируви ва клиник, функционал, биокимёвий, иммунофермент, коагулометрик ва статистик усулларини қўллаш орқали амалга оширилган.

Барча беморларда клиникага ётиш ва чиқиб кетиш вақтида клиник ва лаборатор-инструментал текширувлар ўтказилган: қоннинг умумий таҳлили, қоннинг биокимёвий таҳлили, ЭКГ. Тадқиқотда қўлланган баҳолаш шкалалари ва индекслари қўлланилган: чекиш индекси(пачка/йил), ТВИ(m/h^2), Гаркави усули буйича адаптацион реакция индекси, вегетатив нерв тизими ҳолатини баҳоловчи Кердо индекси, лейкоцитларнинг силжиш индекси ва СОЎКнинг Anthoninsen буйича авж олиш тури. Ташқи нафас функциясини баҳолаш компьютерли спирометрия усулида «СМП-21/01-РД» аппаратида амалга оширилган. Бу билан биргаликда қисқа таъсир қилувчи бетта 2 агонистлар ингальяция қилиш билан олиб бориладиган синама ўтказилган, у кўрсаткичнинг 12%дан кўпроқ ўзгаришида Халқаро стандартларга кўра мусбат ҳисобланган.

Бу билан бир қаторда махсус текшириш усуллари олиб борилган:

гемостазиологик параметрларни аниқлаш усуллари кўрсаткичлар даражасини баҳолаш билан олиб борилди ва ўз ичига коагуляция, антикоагуляция ва фибринолиз маркерлари, ҳамда гемостазнинг скрининг кўрсаткичларини қамраб олган. Тромбоцитлар агрегацияси «LA230-2 БИОЛА» агрегаторида 0.1 мкМ ва 5 мкМ дозада АДФ ва 10 мкг/мл дозада адреналин индукторлари билан олиб борилган, фибриноген – Клаусс усулида («Фибриноген-тест», РЕНАМ, Россия); эрувчан фибрин мономер комплекс (РФМК) - 0-фенатролин усулида («РФМК-тест», Технология стандарт, Россия); Д-димер - латекс агглютинация усулида (TechnoLEIA D-dimer Latex Kit, Биохиммак, Россия); Виллебранд омили – оптик усулда; Антитромбин 3 - оптик усулда (Реахром АТ-III); протеин С - «Протеин С. Скрининг тест. ПФА-3» реактиви ёрдамида (РЕНАМ, Россия); плазминоген – қоннинг плазмасида оптик

усулда («Реахром –плазминоген ФА-2»); плазмада каллекреинга боғлиқ фибринолиз - «ХПага боғлиқ фибринолиз» РЕНАМ (Россия). Гемостазнинг скрининг кўрсаткичлари ўз ичига: тромбин вақти, фаоллашган қисман тромбoplastин вақти(АЧТВ) ва протромбин индекси (ПТИ);

систем яллиғланишни баҳолаш С-реактив оқсил, интерлейкин-1,6,8 ва ўсма некрози омили альфани аниқлаш орқали амалга оширилди. С-реактив оқсил латекс усулида (CRP Latex, Cypress diagnostics, Belgium), интерлейкин 1,6,8 – қаттиқ фазали иммунофермент таҳлилининг сэндвич- варианты усулида аниқланди. Текширувлар Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти «Молекуляр генетика ва хужайравий технологиялар» бўлимининг биокимёвий ва иммунофермент текширувлар лабораториясида амалга оширилди.

Антиагрегант даволаш дори воситаларининг қўлланиши буйича фармакологик кўрсатмалар асосида исботланган таъсирларни эътиборга олган ҳолда тайинланган: Аргинин кунига 42 мг/мл 100 мл дозада ҳар куни 5-10 кун давомида, Эноксипарин натрия 40 мг (0,4 мл) дозада 5-7 кун давомида, Клопидогрель суткасига 75 мг дозада, 14 кун - 6 ой давомида; Дипиридамол 200 мг/сут. дозада 2 ҳафта - 6 ой давомида қўлланилган.


Тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили IBM замонавий ҳисоблаш тизимлари EXCEL стандарт дастурларининг пакети ёрдамида амалга оширилди. Жадваллардаги барча кўрсаткичлари вариацион қаторнинг ўрта арифметик кўрсаткичи±ўртача хато кўрсаткичлари ёрдамида ифода қилинган.

Статистик гипотеза сифатида $p < 0,05$ ва $p < 0,01$ даражага эга кўрсаткичлар қабул қилинган(ишончлилик даражаси 95,5% ва 99%). Ўртача кўрсаткичлари солиштириш мақсадида жуфт Стьюдент t критерийси қўлланилган. Таҳлил қилинаётган кўрсаткичлар орасидаги боғлиқликларни аниқлаш учун r корреляция коэффиценти ёрдамида корреляцион таҳлил ўтказилган. У ёки бу ҳолатлар ривожланиш хавфини баҳолаш мақсадида энг катта ростлилик усули қўлланилган.

«Мультиморбидлик структурасида тромбоген фатал эпизодлар ва нафас касалликларида патоморфологик «ўлим» марши ривожланиши омиллари» деб номланган учинчи бобида ўлим сабабларининг ретроспектив таҳлили натижалари келтирилган. Натижаларга кўра тромбоген бузилишлар туфайли ўлим ҳолати кузатилган беморлар асосан юрак қон-томир касалликлари 65,6% ва иккинчи ўринда нафас касалликлари билан оғриган беморлардан ташкил топган. Нафас касалликлари билан оғриган беморларда тромбозлар 80,8%да, нафас етишмовчилиги 9,6%да, ошқозон-ичак тизимидан қон кетиш ҳолатлари 5,8%да, септиш шок ҳолати 4%да асосий ўлим сабаби бўлган. СОЎК белгилари бўлган ҳолатларда ҳам тромбоген бузилишлар асосий ўлим сабабини ташкил қилган ва ўз таркибида: 76,1% ЎМИдан, 18,5%да ишемик турдаги ўткир мия қон айланиши етишмовчилигидан, 3,3%да ЎАТЭдан ва 2,2%да мезентериал артериялар тромбозидан ташкил топган. СОЎК беморларнинг клиник ташҳисида 13,9%да қайд этилган бўлса, патоморфологик ташҳислаш натижасида у 37,0% ҳолатда аниқланган.

СОЎК ташҳисини ёндошиб келиши кўпроқ юрак ишемик касаллиги (61,5%) ва миянинг томир касалликлари (25%) билан кузатилган.

Хафақон ва юрак ишемик касалликларининг патоморфологик белгилари: коронар артериялар атеросклерози(КАА), юрак массаси (ЮМ) ва чап қоринча қалинлиги (ЧҚҚ) кўрсаткичлари СОЎК билан оғриган беморларда СОЎК бўлмаган беморларга нисбатан кўпроқ кузатилди ва бу ЮИКнинг СОЎК билан оғриган беморларда паст ташхисланишини кўрсатди (1-расм). СОЎК билан оғриган беморларда тромбоген бузилишлар предикторларини аниқланиши СОЎКда мавжуд бўлган юқори тромбоген хавф назариясини тасдиқлайди.



1-расм. ЮИК ва ГК патоморфологик белгиларининг СОЎК патоморфологик белгилари кузатилган ҳолатлардаги частотаси


«Сурункали обструктив ўпка касаллиги билан оғриган беморларда гемостазиологик бузилишлар хусусиятлари, частотаси ва характери» номли тўртинчи бобида СОЎК билан оғриган беморларда гемостазнинг коагуляция, антикоагуляция ва фибринолитик фаоллик кўрсаткичлари, уларнинг касалликни оғирлик даражаси ва фенотипик намоён бўлишига боғлиқ ҳолда ўзгариши, улар орасидаги корреляцион боғлиқликлар ва гемостазиологик мувозанатнинг гиперкоагуляция томонига силжишига олиб келувчи биологик ва фенотипик маркерлар кўрсатилган.

Коагулограмманинг скрининг кўрсаткичларини паст ташхисийлиги аниқланган, бу фибриноген ва РФМК кўрсаткичлари юқори бўлган СОЎК билан оғриган беморларда гиперкоагуляция ҳолати ҳақида ахборот берувчи АЧТВнинг 23 сек қисқа бўлиши 17,5%да, тромбин вақтининг 8 сек қисқа бўлиши 3,8 ва 2,6%да ва протромбин индексининг 122%дан баланд бўлиши 10 ва 6,9%да кузатилгани билан аниқланган.

СОЎК оғирлик даражаси ва ЮИК коморбидлиги билан коагуляция маркерлари фибриноген($r=0,40$), Д-димер ($r=0,48$ ва $r=0,66$) орасида баланд ва Виллебранд омили билан ўрта кучли ($r=0,44$ ва $r=0,62$) корреляцион боғлиқлик аниқланган.

СОЎК ўта оғир даражагача ривожланиши билан фибриноген 1,56 баробар ($4,72\pm 0,28$ г/л), РФМК 2.3 баробар ($9,74\pm 0,49$ мг/100мл), Д-Димер 3,9%га, Виллебранд омили 3,3%га ошиши кузатилди. СОЎК билан ЮИК коморбидлиги кузатилган беморларда коагуляция кўрсаткичларининг янада баландроқ даражада кўтарилиши кузатилган. Шу жумладан, фибриноген назорат гуруҳига нисбатан 1,63 баробар, фақат СОЎК бўлган беморларга нисбатан 5% га ошган; РФМК – 2,2 баробар ва 3,7%; Виллебранд омили фақат СОЎК бўлган беморларда – 1,2 баробар ва Д-Димер 14,7% баланд бўлган.

Чуқур гемостазиологик бузилишларнинг «каскад» характерида бўлиши кузатилган, бу Д-Димернинг ўртача даражада кўтарилиши қайд этилган беморларнинг 59,1%да фибриноген ва 95,4% РФМК юқори кўрсаткичлари аниқланиши, Д-Димернинг сезиларли кўтарилишида эса фибриноген ва РФМКнинг 100% беморларда юқори бўлиши кузатилди. Худди шу қонуният Виллебранд омили учун ҳам қайд этилди (2-расм.).



2-расм. Коагуляция омилларининг Виллебранд омили ўсиши характериға боғлиқ ҳолда ўсиш даражалари

Гемостазнинг коагуляцион бўғини кўрсаткичлари орасида ўрта ва кучли мусбат корреляцион боғлиқлик аниқланган (1-жадвал).

1-жадвал

Коагуляция омилларининг корреляцион коэффицентлари

	Корреляция коэффицентлари			
	Гемостазнинг коагуляция бўғини			
	Фибриноген	РФМК	Д-димер	Виллебранд омили
Фибриноген		0,68	0,75	0,83
РФМК	0,68		0,56	0,62
Д-димер	0,75	0,56		0,94
ЮИК коморбидлилик омили	0,83	0,62	0,94	

Тадқиқотнинг натижалари шуни кўрсатдики, турли хил фенотипик кўринишли СОЎК билан оғриган беморларда антикоагуляцион ва фибринолиз тизимининг, коагуляцион стрессни енгиш учун зарур бўлган даражадаги компенсатор силжиши қайд этилмади. Антикоагуляцион тизимнинг ўзгарган даражалари 1,6%дан 3,3%гача беморларда кузатилмади, бу эса антикоагуляцион бўғиннинг дефицитга яқин ҳолатини характерлайди (2-жадвал).


Антитромбин 3 етакчи антикоагуляцион кўрсаткич эканлиги қайд этилди ва унинг бошқа кўрсаткичлар антикоагуляцион бўғим ва фибринолиз омиллари билан тескари корреляцион боғлиқликлар аниқланди: АТ3 ва протеин С ($r=-0,3$); протеин С ва плазминоген ($r=-0,3$), ҳамда каллекриинга боғлиқ фибринолиз ва плазминоген ($r=-0,3$) билан ўрта кучли. ЮИК билан коморбидлик ҳолати антикоагуляцион омиллар тизимининг яққол кескинлигини оширади ва бу гиперкоагуляция томонига ўзгарган кўрсаткичлар улуши билан белгиланади (3-расм). Антикоагуляция тизими коагуляция тизимининг фаоллашишига мувозанатлашмаган жавоб кўрсатади, бу коагуляция-антикоагуляция и фибринолиза тизимлари орасидаги тескари корреляцион боғлиқликларда намоён бўлади. Коагуляций, антикоагуляций ва

фибринолиз тизимларининг кўрсаткичлари гемостазиологик мувозанат индексига боғлиқ ҳолда 4-расмда келтирилган.


2-жадвал

Антикоагуляция тизим ва фибринолиз кўрсаткичларининг силжиши частотаси ва характери

Кўрсаткичлар	n	Кўрсаткичларнинг силжиш характери,%		
		Пасайиш ($\leq 1,65\sigma$)	Меъёр ($M \pm 1,65\sigma$)	Кўтарилди ($\geq 1,65\sigma$)
Антитромбин 3,%	123	-	115 (93,5 \pm 2,2)	8 (6,5 \pm 2,2)
Протеин С, мг/мл	123	4 (3,3 \pm 1,6)	119 (96,7 \pm 1,6)	-
Плазминоген, %	123	2(1,6 \pm 1,1)	110(89,4 \pm 2,8)	11 (8,9 \pm 2,6)
Каллекреинга боғлиқ фибринолиз, мин	123	8(6,5 \pm 2,2)	113 (91,9 \pm 2,4)	2(1,6 \pm 1,1)



3-расм. Касаллик фенотипига боғлиқ ҳолда ўзгарган антикоагуляция кўрсаткичларининг (дефицит) частотаси




4-расм. Гемостаз параметрларининг нисбатий индекси (кўрсаткичларнинг меъёрий кўрсаткичларга нисбати олинган)

Натижалар СОЎК билан оғриган беморларда гемостазиологик мувозанатнинг гиперкоагуляция томонига ўзгаришини таъминловчи предикторларни аниқлашга имкон берди ва гиперкоагуляцион йўнал-тирилган муҳим предикторлар сифатида: ёшнинг 60 дан катта бўлиши гиперкоагуляцион ҳолатга мойилликни 1,26 баробар; аёл жинси 1,25 баробар; чекиш 2,75 баробар; ортиқча тана вазни 2,1 баробар; анамнезда тромботик ҳолатлар бўлганлиги 4,1 баробар; сурункали юрак етишмовчилиги(СЮЕ) 1,3 баробар; касаллик авж олишининг I турда бўлиши 4,7 баробар; кислород сатурациясининг 94%дан пастлиги 8,84 баробар; ЖНХ₁нинг 30%дан пастлиги 1,75 баробар; гемоглобин миқдори 130 г/л дан юқори бўлиши 2,81 баробар, эритроцитлар сони 1 мкл қонда $4 \cdot 10^{12}$ бўлиши 1,22 баробар; гематокритнинг 45%дан катта бўлиши 1,22 баробар, лейкоцитлар силжиши индексининг 2,2дан катта бўлиши 1,27 баробар, ЭЧТнинг 20 мм/соат дан катта бўлиши 1,19 баробар ва тизимли глюкокортикостероидлар қабулининг суткасига 30 мг преднизолон миқдоридан кўп бўлиши 2,91 баробар ошишига сабаб бўлади.

Гиперкоагуляцион кескинликни характерловчи гемостазиологик «стресс» ҳолатининг СОЎК билан оғриган беморларда учраш частотаси тахлили шуни кўрсатдики, касаллик оғирлик даражаси ошиши билан гиперкоагуляцион кескинлик ҳолат кўрсаткичи (ИГР ≥ 1) учраш частотаси 36,1%дан 44,7%гача, ЮИК коморбидлик ҳолати ёндашиши билан эса 24%дан 52%гача ошди.

Бешинчи «Сурункали обструктив ўпка касаллиги билан оғриган беморларда тизимли яллиғланиш ва унинг гемостаз тизими билан ўзаро боғлиқлиги» деб номланган бобида СОЎК билан оғриган беморларда фенотипик кўринишларга боғлиқ ҳолда тизимли яллиғланиш маркерларининг намоён бўлиш даражаси ва характерини кўрсатувчи натижалар келтирилган, ҳамда уларни гемостазнинг коагуляция-антикоагуляция ва фибринолитик фаоллик бўғинлари кўрсаткичларининг ўзгариш жараёнига таъсири кўрсатилган.



5-расм. Коагуляция омилларининг ошган тизимли яллиғланиш кўрсаткичлари бўлган ҳолатларда кўтарилиши

Яллиғланиш келтириб чиқарувчи цитокинларни ўрганиш натижалари уларнинг даражаси СОЎК билан оғриган беморларда ошишини тасдиқлади. ЮИК билан СОЎКнинг ёндашиб келишида цитокинлар намоёндалиги яққолроқ бўлиши: СОЎК билан оғриган беморларга нисбатан ИЛ-1 даражасини 18,8%га, ИЛ-6 - 5,3%га, ИЛ-8 - 31,8%га ва α -ФНО - 20,2%га баландроқ бўлиши аниқланган, бу эса мультиморбидлик ҳолатида тизимли яллиғланиш омиллари кўтарилишида синергизм борлигини кўрсатади. Тизимли яллиғланиш омилларининг коагуляция омиллари билан ўзаро боғлиқлигини ўрганиш, яллиғланиш келтириб чиқарувчи омиллар даражасини ошиши гемостазиологик мувозанатнинг гиперкоагуляция томонига силжишига олиб келади, бу яллиғланиш маркерлари юқори бўлган СОЎК билан оғриган беморларнинг катта қисмида фибриноген, РФМК, Д-димер ва Виллебранд омилларининг юқори бўлиши билан тасдиқланади (расм 5). Эндотелий дисфункцияси кўрсаткичи сифатида Виллебранд омили кўтарилиш даражаларининг таҳлили шунини кўрсатадики, кескин-юқори кўрсаткичлар улуши ИЛ-1 (66,7%), ИЛ-6 (67,8%) ва α -ФНО (64,3%)нинг ошган кўрсаткичларида юқори бўлди. Бу маълумот тромбозлар профилактикасига йўналтирилган, СОЎК билан оғриган беморларни даволаш ёндашувларида ангиопротектор ҳимоя зарурлигини кўрсатади. Коагуляция омилларининг (фибриноген, РФМК, Д-димер и фактор Виллебранда) тизимли яллиғланиш омиллари (ИЛ-1, ИЛ-6 и α -ФНО) билан ўзаро боғлиқликлари корреляцион таҳлили кучсиз мусбат борлигини кўрсатди ($r=0,17$ дан $r=0,29$ гача).

Антикоагуляция бўғини омилларининг тизимли яллиғланиш омиллари

билан ўзаро боғлиқликлари корреляцион таҳлили: ИЛ -1, ИЛ-6, α -ФНО ва протеин С орасида ($r=-0,13$ дан $r=-0,20$ гача) кучсиз тескари корреляцион боғлиқлик устунлигини; ИЛ-6 ва плазминоген орасида ($r= 0,45$) ўрта кучга эга тўғри корреляцион боғлиқлик устунлигини; - α -ФНОнинг КБФ ($r= 0,15$) ва плазминоген ($r= 0,10$) билан кучсиз тўғри боғлиқлик устунлигини; - ИЛ-8 ва протеин С ($r=0,14$) ўртасида кучсиз тўғри боғлиқлик устунлигини кўрсатди.

